



Савол:

Тахажжуд намозини кай йўсинда ўкиш вожиб? Ушбу намозни овоз чикариб ўкилса хам бўлаверадими, ёки факат овозсиз ўкиладими?

Жавоб:

Тахажжуд намози бизда хуфтанга кўшиб ўкиладиган витр намозини туннинг учдан бири ўтгандан бошлаб то субҳ содик чиккинуга кадар ўкилиши мумкин бўлган намоздир. Унинг ракатлари турлича бўлади: 3, 5, 7, 9, 11 ракат бу ракатларни икки-икки ракатдан ўкиб охирида бир ракат ёки уч ракат билан тугатади. Витрни бир ракат билан тугатиш хакида имом Бухорий беш ўринда хадис ривоят килганлар. Киши бу ракатлардан кодир бўлганича ўкиши мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпроқ 11 ракат ўкирдилар. Уни овоз чикариб хам, ичида ўқиса хам бўлади. Таровех намози айни тахажжуддир, бирок уни 23 ракат ўкилади. Бунинг сабаби Умар розияллоҳу анху мусулмонларни таровехга жамлаганларида шу ададга жамлаганлар.

Тахажжуд ўкиётганда узунрок кироат килинади, рукуъ ва саждаларда хам узокрок туриб, кўпроқ тасбех айтилади.